

## Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2022 йил март ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, \*\*\*\* биносида, очиқ сайёр суд мажлисида раислик қилувчи судья С.Расулов, судья ёрдамчиси Ш.Холматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Бозарбоев, судланувчи М.Мнинг ҳимоячиси А.Абдуллаев иштирокида, жабрланувчи Д.Э қатнашувида, М.Мга оид 1-1701-2204/130-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**М.М.Т** 19\*\* йил \*\* июлда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам ЖИБ Мархамат туман судининг 2022 йил 1 февралдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари, 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-банди тадбиқ қилиниб жазодан озод қилинган, иш бўйича 2021 йил 18 декабрдан 21 декабрь кунига қадар эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланган, 2021 йил 21 декабрдан шахсий кафиллик эҳтиёт чораси орқали очиқда, Андижон шаҳар, \*\*\*\* МФЙ, \*\*\* кўчаси \*-уйда яшайди, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 25 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикасининг эски тахрирдаги ЖК 168-моддасининг 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳни кўрсатувларини эшитиб, тарафларни фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

### **а н и қ л а д и:**

Судланувчи М.М **2014 йил август ойида фирибгарлик жиноятини содир этиб, ушбу фирибгарлик жинояти учун судланмаган бўлган даврда, яъни 2014 йил 17 декабрь куни ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга такроран қасд қилиб, Ш.Н (ҳозирда марҳум)нинг ишончига кириб, унинг 15.375.000 сўмга тенг 2.000 АҚШ долларилек аёллар кийим-кечакларини бир ой муддатда сотиб пулларини олиб**



келиб беришини айтиб алдаб олиб, белгиланган муддатда пулларни бермасдан ўзганинг мулкани такроран алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан фирибгарлик қилиб қўлга киритган.

**Судланувчи М.М судда ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб**, “2014 йил декабрь ойининг ўрталарида танишим Х опа орқали Н.Ш опа ва қизи «Д»хонларнинг 1-кичик даҳадаги уйига бориб «Д»хон ва онаси «Ш» опадан ўша вақтда тахминан 2.000 АҚШ долларилек аёллар кийим-кечакларини насияга олиб пулларини махсулот сотилгандан сўнг беришга келишиб олиб кетганман, ушбу махсулотларни танишларимга тарқатганимда улардан бўлган қарзим ҳисобига пулларни ололмаганим, қолаверса махсулотларни кўп қисмини холам олиб кетгани сабабли «Ш» опа ва қизи «Д»хонларга кийим пулларини вақтида бера олмадим ва ўша вақтда қарзларим кўпайиб кетгани учун 2015 йил декабрь ойида Россияга ишлаш мақсадида кетиб 2019 йил ўрталаридан бошлаб онамга 100-200 АҚШ долларидан юбориб турганимда у пулларни «Ш» опа ва қизи «Д»хонларга бериб қарзларимни узиб турган, етказилган зарарни охириги қисмини ҳозирда судда қоплаб бердим, ушбу махсулотларни ўзим олиб кетганман, Ххон опани бу ишларга алоқаси йўқ у бизни таништириб қўйган холос, қилган ишимдан афсусдаман, енгиллик сўрайман” деб кўрсатув берди.

Судланувчи М.М ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, унинг содир этган жиноий ҳаракатлари судда текширилган далиллар, жумладан:

**Жабрланувчи Д.Энинг судда** “Ҳозирда мархум онам «Ш»хон билан аёллар кийимлари ва шунга ўхшаш махсулотларни сотиш билан шуғулланиб келганмиз, 2014 йил декабрь ойини ўрталарида биздан қизларини сарпоси учун қарзга махсулот олиб турувчи Ххон опа уйимизга келиб уйдаги товарларни кўриб ҳозирда судланувчи М.Мни телефон орқали уйимизга чақирган ва унга насияга махсулот берадиган бўлсак танишлари кўплигини ва сотиб пулларини олиб келиб беришини сўраганида дастлаб кўнмаганмиз, лекин Ххон опа бизи ишонтирганидан кейин рози бўлиб ўша куни М биздан 2.000 АҚШ долларилек аёллар кийимларини, Ххон опани ўзи эса 1.000 АҚШ долларилек тилла тақинчоқларни қарзга олиб чиқиб кетишган, М биздан олган махсулотларни сотиб пулларини бир ой ичида беришини айтган бўлса-да белгиланган муддат келганида турли бахоналар қилиб пулимизни бермасдан охири Россияга кетиб юборди, мен жуда кўп мартаба унинг уйига ва тергов идораларига бориб сарсон бўлганимдан кейин 2019 йилдан бошлаб онаси орқали бўлиб-бўлиб пулимизни берди ва охириги қолган 200 АҚШ долларини суд мажлисида тўлаб берди, судланувчига даъвоим йўқ, лекин бу ишларни бошида Ххон опа турган ва унинг ўзи ҳам 1.000 АҚШ доллари қарзидан 100 АҚШ долларини халигача бергани йўқ” деб берган кўрсатуви билан;

**Гувоҳ Х.Снинг судда** “«Ш»хон ва «Д»хондан анча йил аввал қизимнинг сарпоси учун қарзга аёллар кийимлари, кўрпа, ёстиқ



махсулотларни олиб пулини вақтида бериб келганман, 2014 йил декабрида «Ш»хон ва «Д»хонлар телефон қилишиб Туркиядан янги товарлар олиб келганларини, насияга ҳам бераверишини айтганларида танишим Мни уларни уйига чақириб таништириб қўйганим тўғри, лекин товарларни нархи ва пулларни бериш муддатини ўзлари келишиб ўша куни М улардан кийим кечаклар олиб чиқиб кетган, «Д»хон айтаётган тилла тақинчоқ эса 900 АҚШ долларига келишиб ундан сотиб олганман ва пулини тўлиқ бериб бўлганман, М олган товарларга мени алоқам бўлмаган, у пулларни бермасдан юрганида «Д»хонлар уйимга келишганида ҳам уларга шу гапни айтганман” деб берган кўрсатуви билан;

Юқорида қайд этилганлардан ташқари юзлаштириш баённомалари ва суриштирув-тергов даврида тўпланган бошқа ёзма далиллар мажмуи билан ҳам судланувчини айби тўла ўз исбот ва тасдиғини топади.

Суд, судланувчи М.Мнинг ижтимоий хавфли қилмишлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатларида такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш жиноят аломатлари ўз исбот ва тасдиғини топгани сабабли, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикасининг ЖК 168-моддасининг 2-қисми “б” банди (ЖК 168-моддасининг эски таҳрири бўйича) билан квалификация қилишни;

Суд, М.М айбли деб топилаётган модда бўйича унга жазо тайинлашда гарчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 14.11.2014 йилдаги, 03.12.2015 йилдаги ҳамда 12.10.2016 йилдаги амнистия тўғрисидаги Қарорларининг тегишли бандларида жазодан озод қилиш назарда тутилган маҳкумлар сифатида аёллар ҳам назарда тутилган бўлсада, юқоридаги амнистия қарорлари ва ушбу қарорларни қўлланиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қарорларида юқоридаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни ушбу қарорлар эълон қилингунга қадар тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан тадбиқ этилмаслиги назарда тутилганини, судланувчи томонидан фирибгарлик жинояти оқибатида етказилган зарарнинг охириги қисми суд мажлисида қопланганини, яъни юқоридаги амнистия қарорлари эълон қилинган вақтдан кейин зарар қопланганини инobatга олиб унга юқоридаги амнистия қарорларини тадбиқ қилмасликни, шунингдек судланувчи томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш 2014 йил 17 декабрда содир этилганини ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси 1-қисмида қилмишнинг жинoийлиги ва жазoга сазовoрлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланиши назарда тутилганини инobatга олиб унга ўзи айбланаётган эски таҳрирдаги қонун санкция доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;



Жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани ва бу билан унинг даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК 454-457, 460-463, 465-468, 471,473-моддаларига асосан

### **ҲУКМ КИЛАДИ:**

**М.М.Т** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди (ЖК 168-моддасининг эски тахрири бўйича) билан айбли деб топилсин.

**М.Мга** ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан ҳар ойлик иш ҳақини 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

**М.Мни** эҳтиёт чораси сифатида 2021 йил 18 декабрдан 2021 йил 21 декабргача қамоқда сақланган 4 (тўрт) кунини мазкур ҳукм билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида чегириб ташлаб, ўташ учун ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 11 (ўн бир) ой 18 (ўн саккиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотда ўтатирилиб, жазони ижро этиш Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин ва жазо муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

М.Мга қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қоплангани ва бу билан унинг даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 20 сутка ичида шу суд оркали Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**С.Расулов**

